

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТУМАНЛАР МИҚЁСИДА АХОЛИ ЖОН БОШИГА ИСТЕЙМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юсубжанова Мушарраф Турсунали қизи

Магистрант, Наманган давлат университети, Математика факултети
Имомназарова Нуржонон Токтабоевна

Магистрант, Наманган давлат университети, Математика факултети
М.Қ. Холмуродов

Доцент, Наманган давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада 2010-2020 йиллардаги Наманган вилоятида туманлар миқёсида ахоли жон бошига истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми динамикаси географик жиҳатдан ўрганилган. Ўрганишлар асосида вилоятда истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини ҳудудий таркиб бўйича иқтисодий-математик тадқиқот усули ёрдамида эконометрик моделлаштирилган.

Калит сўзлар: истеъмол маҳсулоти, ҳудудий таркиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, иқтисодий-математик усул, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаштириш.

РАЗВИТИЕ И ПОВЫШЕНИЕ СТОЛИЧНОГО ПРОИЗВОДСТВА ПОТРЕБИТЕЛЬСКИЕ ТОВАРЫ НАСЕЛЕНИЯ В РАЙОНАХ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье географически исследуется динамика производства потребительских товаров на душу населения в районах Наманганской области в 2010-2020 гг. На основе исследования было произведено эконометрическое моделирование объема производства товаров народного потребления в регионе с использованием метода экономико-математического исследования регионального состава.

Ключевые слова: потребительские товары, региональная структура, объем производства, экономико-математический метод, эконометрическое моделирование, прогнозирование.

DEVELOPMENT AND IMPROVEMENT OF PER CONSUMER PRODUCTS OF POPULATION IN THE DISTRICTS OF NAMANGAN REGION

ABSTRACT

The article geographically studies the dynamics of per capita production of consumer goods in the districts of Namangan region in 2010-2020. On the basis of the study, the volume of production of consumer goods in the region was econometrically modeled using the method of economic-mathematical research on the regional composition.

Key words: consumer products, regional structure, production volume, economic and mathematical method, econometric modeling.

КИРИШ

Жамият миқёсида ахоли жон бошига истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқариш маҳсулотларга бўлган талабни қондириш ҳар қандай давлат учун муҳим масала ва ахоли фаровонлигининг асоси ҳисобланади. Шу боис истеъмол товарлари бозорини шакллантириш ва унинг ривожланиши бўйича муаммоларга жиддий ёндашув талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожланиши ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий гоя ва миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезрок олиб чиқишига имкон яратиши лозим.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг нархини белгилаш амалиётини бутунлай қайта қўриб чиқиб, бозор тамоилларини жорий этиш зарур”лиги муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди[1]. Мурожаатномада белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳал этишда шаҳар ва қишлоқларимизда истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқариш маҳсулотларга бўлган талабни қондириш, истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини географик жиҳатдан ўрганиш долзарб муаммолардан хисобланади. Тадқиқотлар асосида вилоятда истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини ҳудудий таркиб бўйича эконометрик моделлари ҳосил қилинган ва моделлар асосида прогнозлар келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чикаришни ривожлантиришда худудларнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, географик хусусиятлари ҳамда экологик вазиятини ҳисобга олган ҳолда унинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Саноат тармоқларининг ривожланиши ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон, хорижий ва МДҲ олимлари томонидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган ва кенг миқёсда ўрганилган .

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида статистик, иқтисодий-математик, прогнозлаштириш, иқтисодий таҳлил каби тадқиқот усусларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Наманган вилоятида туманлар миқёсида ахоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чикаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш мақсадида 2010-2020 йиллар давомида туманлар бўйича ахоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чикариш ҳажмига оид статистик маълумотлар тўпланди. Тўпланган статистик маълумотларни кузатиш асосида туманлар бўйича ахоли жон бошига истеъмол маҳсулотлар ишлаб чикариш ҳажми динамикаси бўйича қуидаги жадвал ҳосил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

2010-2020-йилларда Наманган вилоятида туманлар бўйича ахоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чикариш ҳажми (минг.сўм)

| Йиллар | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|-------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|---------|---------|---------|--------|
| Вилоят бўйича | 2331,6 | 2948,3 | 3706,4 | 4368,2 | 5529,1 | 7458,9 | 8121,7 | 10647,3 | 13968,9 | 22625,6 | 25203 |
| Наманган Шаҳри | 685,8 | 911,3 | 1057,0 | 1055,9 | 1256,5 | 2230,8 | 2291,8 | 2634,0 | 3514,3 | 3849,1 | 2269,1 |
| Мингбулук Тумани | 39,9 | 49,9 | 60,3 | 73,5 | 124,1 | 221,2 | 254,7 | 261,2 | 298,3 | 520,6 | 4309,6 |
| Косонсой Тумани | 120,0 | 107,0 | 122,0 | 188,5 | 277,1 | 442,4 | 533,6 | 701,2 | 1050,4 | 1424,5 | 3138,8 |
| Наманган Тумани | 249,0 | 281,2 | 507,0 | 603,0 | 712,0 | 812,5 | 1383,5 | 1931,7 | 3064,4 | 3850,3 | 1461,3 |
| Норин Тумани | 49,7 | 46,3 | 217,2 | 279,8 | 307,9 | 328,4 | 314,8 | 393,1 | 447,2 | 1677,1 | 5127,7 |

| | | | | | | | | | | | |
|-----------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|------------|------------|------------|------------|
| Поп Тумани | 51,9 | 146,6 | 230,6 | 251,1 | 312,6 | 404,6 | 406,1 | 510,6 | 591,5 | 1086, 0 | 577,3 |
| Туракурган Тумани | 77,6 | 46,0 | 172,5 | 210,1 | 342,6 | 499,0 | 598,9 | 1436, 0 | 1594, 2 | 2653, 2 | 1276, 6 |
| Уйчи Тумани | 108,7 | 166,3 | 150,2 | 272,2 | 467,1 | 419,3 | 479,2 | 539,1 | 750,2 | 2485, 5 | 1508, 8 |
| Учкурган Тумани | 628,1 | 726,8 | 678,1 | 729,0 | 857,5 | 833,2 | 760,4 | 959,4 | 1259, 7 | 3012, 1 | 1084, 2 |
| Чорток Тумани | 119,9 | 79,2 | 98,4 | 122,5 | 189,0 | 386,1 | 396,5 | 362,0 | 358,9 | 579,7 | 2079, 8 |
| Чуст Тумани | 100,4 | 143,9 | 166,6 | 278,9 | 307,5 | 296,2 | 408,3 | 560,5 | 636,4 | 891,6 | 861,6 |
| Янгикурга н Тумани | 100,6 | 243,8 | 246,5 | 303,7 | 375,2 | 585,2 | 293,9 | 358,5 | 403,4 | 595,3 | 1508, 8 |

**Жадвал Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси
маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.**

1-жадвалда берилган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда 2010-2020 йиллар оралиғида маҳсулот ишлаб чиқаришини йилдан йилга ортиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан 2010 йилда Норин туманида ахоли жон бошига 49,7минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилга келиб 5127,7минг сўм микдорида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Ўтган сўнгги ўн йил ичидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 11 мартаға қўпайган. Бироқ, вилоят ички ҳудудлари истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича турлича улушга эга. Айрим ҳудудлар (Наманган, Учқўрган) катта салмоққа эга бўлса, айрим ҳудудлар эса аксинча, жуда ҳам кам истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳажмига эга (Мингбулоқ).

Наманган вилоятида туманлар миқёсида ахоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариши ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг уствор йўналишларини ўрганишда, иқтисодий оптимал моделлаштиришда ўтказилган синовлар асосида тўпланган маълумотлар бўйича тузилган эмпирик формулалардан фойдаланилади. Эмпирик формулаларни ҳосил қилишнинг энг самарали усуllibаридан бири – бу энг кичик квадратлар (ЭКК) усулидир.


МУҲОКАМА

Ўтказилган n та қузатувлар натижасида x нинг кетма-кет x_1, x_2, \dots, x_n қийматлари ҳосил қилинган. Ушбу қузатувларда у нинг ҳам мос y_1, y_2, \dots, y_n қийматлари топилган. Агар ушбу қийматлардан тузилган нуқталар $M_1(x_1, y_1)$,

$M_2(x_2, y_2), \dots, M_n(x_n, y_n)$ текисликда координаталар тизимида бирорта чизик атрофида тарқалган бўлса, унда апроксимацияланувчи функция сифатида даражали кўпҳад $y=a_0+a_1x+a_2x^2+a_3x^3 \dots +a_nx^n$ ни олиш мумкин. Бунда фақатгина $a_0, a_1, a_2, a_3, \dots$ ва a_n лар ҳозирча номаълум параметрлар. Ушбу функционал боғланишдаги $a_0, a_1, a_2, a_3, \dots$ ва a_n параметрлар қийматларини топиш учун нормал тенгламалар системасидан фойдалананилади. Аниқланган тенгламалар системаси асосида Наманган вилоятида туманлар миқёсида ахоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устивор йўналишларини иқтисодий математик усууллардан фойдаланган ҳолда 2010-2020 йиллардаги Наманган вилоятида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича статистик маълумотлар динамикасини илмий жиҳатдан эконометрик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

$$\begin{aligned} Y \text{ маҳсулот ҳажми} = & -1,8261x^6 + 61,858x^5 - 803,65x^4 + 5061,8x^3 - 15885,0x^2 \\ & + 23539,10x - 9721,2; \quad (1) \end{aligned}$$

Бу ерда: Y маҳсулот ҳажми – Наманган вилоятида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми; t – вақт (йиллар). Бунда аниқланган модель графиги билан ҳақиқатда Наманган вилоятида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг графиги ўзгаришини таққослаш мумкин бўлиб, иқтисодий таҳлил орқали кўринмаган айrim четланишларни кузатиш имконияти пайдо бўлади ва бу ўз-ўзидан илмий асосланган қарорлар чиқаришга ёрдам беради (1-расм).



Энди ҳосил қилинган математик моделлар асосида истемол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг керакли йилларгача прогноз қилиш имконияти пайдо бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

Эконометрик модель натижаларининг таққослама жадвали

| | | |
|------------------------------|---|----------------|
| Наманган Вилояти | $Y = -1,8261x^6 + 61,858x^5 - 803,65x^4 + 5061,8x^3 - 15885,0x^2 + 23539,10x - 9721,2;$ | $R^2 = 0,9965$ |
| Наманган Шаҳри | $y = 0,5149x^6 - 15,833x^5 + 184,27x^4 - 1001,8x^3 + 2531,2x^2 - 2275,1x + 624,23$ | $R^2 = 0,9889$ |
| Мингбулук Тумани | $y = 0,0722x^6 - 2,205x^5 + 25,657x^4 - 142,19x^3 + 388,41x^2 - 470,99x + 218,16$ | $R^2 = 0,9966$ |
| Косонсой Тумани | $y = 0,042x^6 - 0,9033x^5 + 6,641x^4 - 18,416x^3 + 25,453x^2 - 33,297x + 140,23$ | $R^2 = 0,999$ |
| Наманган Тумани | $y = 0,4076x^6 - 12,71x^5 + 156,44x^4 - 948,14x^3 + 2915,3x^2 - 4067,1x + 2206,6$ | $R^2 = 0,9982$ |
| Норин Тумани | $y = -0,0136x^6 + 0,4193x^5 - 5,1015x^4 + 30,867x^3 - 95,037x^2 + 134,11x - 55,811$ | $R^2 = 0,9962$ |
| Поп Тумани | $y = -0,018x^6 + 0,4941x^5 - 5,2812x^4 + 28,133x^3 - 78,473x^2 + 103,73x - 0,0333$ | $R^2 = 0,9241$ |
| Туракурган Тумани | $y = 0,0262x^6 - 0,7611x^5 + 8,6742x^4 - 49,346x^3 + 147,48x^2 - 218,46x + 134,48$ | $R^2 = 0,9951$ |
| Уйчи Тумани | $y = -0,014x^6 + 0,3922x^5 - 4,1031x^4 + 19,652x^3 - 41,329x^2 + 27,45x + 16,544$ | $R^2 = 0,9589$ |
| Учкурган Тумани | $y = -0,0632x^6 + 1,9419x^5 - 23,581x^4 + 143,96x^3 - 458,34x^2 + 717,73x - 335,83$ | $R^2 = 0,9957$ |
| Чорток Тумани | $y = -0,0285x^6 + 0,8557x^5 - 9,98x^4 + 57,388x^3 - 167,97x^2 + 229,26x - 96,522$ | $R^2 = 0,9906$ |
| Чуст Тумани | $y = -0,0137x^6 + 0,3769x^5 - 4,013x^4 + 20,902x^3 - 53,688x^2 + 60,02x - 13,978$ | $R^2 = 0,996$ |
| Янгиурган Тумани | $y = 0,0876x^6 - 2,6422x^5 + 30,889x^4 - 175,87x^3 + 501,24x^2 - 643,99x + 300,14$ | $R^2 = 0,8809$ |

Энди ҳосил қилинган математик моделлар асосида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг керакли йилларгача прогноз қилиш имконияти пайдо бўлади, иқтисодий район ва унинг худудий таркиби бўйича керакли йилларгача бўлган прогноз кўрсаткичлари аниқланди

ХУЛОСА

Вилоятда истеъмол товарлари ахоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ривожлантиришга қаратилган зарурий чоралар сифатида самарали технологияларни ишлаб чиқиш масаласига етарлича эътибор қаратилиши долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Жумладан, мамлакатда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг бозорини ривожлантириш, унда самарали маркетинг воситаларини қўллаш, бозор конъюнктурасини баҳолаб борувчи тизимни йўлга қўйиш, ички истеъмол бозори бўйича тадбиркорлик субъектларига ахборот хизматларини кўрсатувчи янги хизмат турларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Таҳлиллардан маълум бўлмоқдаки, чакана савдо корхоналарининг майдон жиҳатидан йириклиш бориши, истеъмол товарлари бозорини ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Чакана савдо корхоналарининг йириклишуви эса аҳолига замонавий чакана савдо хизматлари кўрсатишнинг асосий меъзонидир. Бу ҳолатлар вилоятларда йирик супермаркетларни кўпайтириш, чакана савдо шахобчаларини туманлар ва қишлоқлар бўйича тақсимланиши ижобий хал этиш лозимлигини келтириб чиқармоқда. Ушбу ҳолат аҳолини истеъмол товарлари билан самарали таъминланиш, савдо маданиятини янада оширишга имкон беради. Республика ҳамда вилоятлар миқёсида уюшган савдони ривожлантиришга қаратилган маҳсус худудий дастурни ишлаб чиқиши орқали истеъмол маҳсулотлари ва уларнинг бозорини ривожланишига эришиш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент. 2018 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2010-2020. Тошкент-2019. – Б.170. (Annual statistical collection of the Republic of Uzbekistan. 2010-2020. Tashkent-2020. – P. 170).
3. Абдиназарова Х.О. Фарғона иқтисодий районидаги кимё саноати корхоналарининг ривожланишини социологик усуллар ёрдамида ўрганиш тажрибаси // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 57 – жилд. – Т, 2020. –Б. 153-158. (Abdinazarova H.O. Experience in studying the development of chemical

industry enterprises in the Fergana economic region using sociological methods // Information of the Geographical Society of Uzbekistan, Volume 57. - T., 2020. – P. 153-158)

4. Abdinazarova X.O. Geographic approach to the development of the network of chemical industry of Uzbekistan. Экономика и социум. Электронное периодическое издание Россия, г. Саратов 2020. №9(76). –P 3-7.

5. Bayxonov B.T. Ўзбекистон Республикасида саноат иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг эконометрик таҳлили. // Development Prospects of Economic Cooperation Between Republic of Uzbekistan and People's Republic of China «International scientific-practical conference Tashkent, april 22». Printed: Xinjian Edication Press. – China, 2016. – P. 196-199.

6. Хабибуллаев И., Уринов Р. ва бошқ.Эконометрика. Ўкув қўлланма - Т.: Университет, 2019. (Xabibullayev I., Urinov R. and others.Econometrika. Study guide - T.: University, 2019.).

7. Махмудов Н. Ижтимоий-иктисодий жараёнларни прогноз қилиш. Ўкув қўлланма. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012. (Maxmudov N. Forecasting socio-economic processes. Study guide. - T.: «Economy», 2012.)

8. Соатов Н.М. Статистика.. – Т.: «Тиббиёт», 2003. (Soatov N.M.. - T.: «Economy», 2003.)

Интернет манбалари:

1. Ўзбекистон Республикаси статистик маълумотлари. <http://stat.uz/>.
2. Намangan вилояти статистик маълумотлари. <http://namstat.uz/>.
3. <https://fayllar.org/eng-kichik-kvadratlar-usuli.html>.